

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Муборак Акмалжановна Усманова

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори

АННОТАЦИЯ

Инсон, унинг ҳаётий манфаатларига муносабатни тубдан ўзгарганлиги ижтимоий ҳодиса сифатида уни ижтимоий ҳимоялашга оид фалсафий ва ҳуқуқий қарашларни ҳам тубдан ўзгаришига, бу соҳада янгича ғоялар билан суғорилган замонавий концепция юзага келишига олиб келди. Мақолада Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини янада ислоҳ қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: цивилизация, гуманитар қадриятлар, ҳуқуқий воситалар, суғурта тўловлари, жамғарма, пенсия таъминоти.

КИРИШ

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси эришган барча ижобий ютуқларни, гуманитар қадриятларни, халқаро ҳуқуқий мезонлар ва талабларни эътироф этгани ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида халқаро андозаларга мос келадиган фаолият юритишга интилиб келмоқда. Бу фаолият, энг аввало, инсон манфаатларига янгича ёндашишда унинг ҳуқуқий негизини яратиш, инсоният тараққиётида эришилган ижобий қоидаларни ўз миллий тизимимизга жорий этилишида яққол кўзга ташланмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» эканлиги белгилаб қўйилган. Бу қоида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 25-моддаси қоидалари билан ҳамохангдир. Бир қарашда Конституциянинг 39-моддасида назарда тутилган ижтимоий кафолатлар ўз ҳажми жиҳатидан декларациядагига нисбатан торроқ бўлиб кўринсада, аслида «қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» дейилган ҳуқуқий формулани қўллаш орқали бундай кафолатлар

ҳажми ва мазмуни Декларацияда санаб ўтилганига нисбатан ҳам кенгрок бўлишига эришилган.

Мамлакатимиз миллий қонунчилиги ижтимоий таъминот муносабатлари чоғида юзага келувчи барча ҳуқуқий воситаларни, ташкилий чора-тадбирларни назарда тутган. Бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири эса, ушбу ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни янада такомиллаштириш ва амалиётга кенг жорий этишдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ”[1].

Биргина 2017-2021 йилларда амалга оширилган ижтимоий таъминот соҳасидаги ислоҳотлар, пенсионерларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг турмуш тарзи, узоқ вақтлардан бўён ечилмай келган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш йўлида кескин бурилиш ясади. Ушбу давр мобайнида фуқароларнинг ижтимоий таъминотини тубдан яхшилаш мақсадида пенсия қонунчилигига оид олтимишга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда амалдагиларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сонли қарори қабул қилинди ва 2017 йил февраль ойидан бошлаб, барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд пул шаклда амалга оширилди [2].

Шунингдек, 2017 йил 13 мартдаги “Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2826-сон президент қарори билан 2017 йил 1 июлдан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар тўланиши фақат “Халқ банки” томонидан амалга оширилиши белгиланди.

2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сон Фармони билан 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856-сон қарори билан 2017 йил 29 мартдан эътиборан пиллачиликни, пиллачилик

тармоғи ишчилари ва тирик пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначиларни қонун ҳужжатларида тасдиқланган тўлиқ бир мавсум ишлаган даврлари уларга пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари рўйхатига киритилиши белгиланди;

2018 йил 1 июлдан деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган жисмоний шахслар томонидан пенсия жамғармасига йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўланган тақдирда, суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига бир йил ҳисобида олиниши жорий қилинди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига асосан 68 турдаги фаолият билан шуғулланувчи ўзини ўзи банд қилган шахслар республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорида суғурта тўласалар бир йил иш стажга ўтиши белгиланди. Бундан ташқари ишловчи фуқароларга, ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи ҳам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон қарори билан 2018 йил 1 августдан хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар томонидан Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдорида йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда амалга оширган даврлари белгиланган тартибда меҳнат стажига бир йил ҳисобида қўшилиши жорий қилинди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўтган қисқа давр мобайнида пенсионерларнинг ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқларини янада кенгайтириш ва пенсия тайинлаш масалаларидаги ҳар хил овворагарчиликларни олдини олиш мақсадида қуйидаги имкониятлар яратилди:

Пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан;

2005-2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016-2018 йиллар даври учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилишлари жорий қилинди.

2021 йил 1 июндан бошлаб эса пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги ПФ-6241-сон Фармони билан 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб: [6]

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 256 675 сўмдан 400 минг сўмга;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 565 минг сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялар миқдори 565 минг сўмга;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 315 030 сўмдан 400 минг сўмга етказилди.

боқувчисини йўқотганлик:

пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун қўшимча тўлов жорий этилди;

пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори 256 675 сўмдан 400 минг сўмга оширилди;

нафақаси олувчи оилаларнинг барча аъзоларини қамраб олиш мақсадида уларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори 400 минг сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун 150 минг сўмдан қўшилиши белгиланди;

болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа ойига 513 350 сўмдан 565 минг сўмга оширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 28-

моддасидаги айрим устамалар миқдори 2019 йил 1 августдан бошлаб:

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахсларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилди. Шунингдек, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизига, боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фоизлар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши йўлга қўйилди.

I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болалиқдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида қўшимча тўловлар жорий қилинди.

Мавжуд қонунчилик тизимини такомиллаштириш – бу инсон учун қулай турмуш шароитларини яратилишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Зероки, фақат мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлгандагина ишончли ижтимоий ҳимоя ва тараққиёт ҳақида сўз юритиш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан пенсия таъминоти соҳасидаги қонунларни янада мукаммаллаштириш, уларда замон талабларига мос равишда ҳар бир шахснинг ижтимоий таъминотдан фойдаланиш имкониятини кенгайтирувчи зарур механизмларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти қонунчилиги тараққиёти мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасига ҳамда ҳуқуқий давлат барпо қилиш соҳасида қўлга киритган ютуқларимизга мос бўлиши лозим ва фуқароларимизнинг пенсия таъминоти олиш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш билан бирга бу соҳада боқимандаликка йўл қўймаслиги, одамларимизнинг иқтисодий фаолликларини янада оширишга хизмат қилмоғи лозим.

Жамият тараққиёти ва фуқароларимизнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари янада кенгрок таъминланиши, ҳуқуқлар кафолати ва муҳофазаси самарадорлигининг оширилиши нуқтаи назаридан ҳамда пенсияларга оид қонунчиликни такомиллаштириш ишлари давом эттирилиши муҳим эканлигини кайд этган ҳолда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

-“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддаси 5-қисмида " Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий

микдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган микдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади" деб кўрсатилган. Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси молиявий имкониятларидан келиб чиқиб белгиланган ушбу чекловнинг мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўймаган ҳолда, мазкур механизмнинг қўлланилиши муайян ҳолларда давлат ва жамият тараққиёти ҳамда фаровонлиги учун фидокорона меҳнат қилган фуқаролар ва ўртача даражада фаолият юритган шахсларни пенсия таъминоти соҳасида ўзаро тенглашиб қолишларига, ижтимоий адолат тамойилларига путур етишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, ўта оғир ва ўта зарарли ишларда, давлат ва жамият ижтимоий аҳамияти, маъсулияти юқори бўлган ишларда меҳнат қилган шахсларга пенсия тайинлаш чоғида ушбу кўрсаткичга табақалашган ҳолда ёндошилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур қонуннинг 31-моддаси 5-қисми куйидаги мазмундаги янги жумла билан тўлдирилиши керак, деб ўйлаймиз: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган Рўйхатларда назарда тутилган касб ва вазифаларда меҳнат қилган шахсларга пенсияни ҳисоблаш чоғида базавий микдорнинг ўн бараваридан кўпроқ қисми ҳисобга олиниши назарда тутилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунининг 37-моддаси 19-хат бошида “Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди” деб белгиланган нормани бекор қилиш;

- ҳарбий хизмат бурчини бажариш билан боғлиқ бўлган 3-гурӯх ногиронларига ҳам пенсия тайинлаш;

- МДХ иштирокчиси бўлган давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги 1992 йил 13 мартда қабул қилинган БИТИМга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- ишламайдиган уй-рўзғор, томорқа ишлари билан банд бўлган шахсларга оила аъзолари ёки яқинлари томонидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш амалиётини жорий қилиш.

ХУЛОСА

Ижтимоий ҳимоя-давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бўлганлиги сабабли унинг ҳуқуқий асослари ҳам ушбу



устуворликка тўла мос бўлиши, мамлакатимизда юз бераётган барча ижобий ўзгаришлар ва эришаётган ютуқларимизни ўзида акс эттириши, энг муҳими, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият экани ҳақидаги ғояларимизга асосланган бўлиши лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун”, - деган тамойилга асосланган Янги Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилганлигидан далолатдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сонли қарори
2. 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунни
4. Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар стратегияси
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., Ўзбекистон, 2019й